

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 25 май, № 105 (9276) Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# МАМЛАКАТИМИЗ МАКТАБЛАРИНИ БИТИРУВЧИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗГА

Азиз фарзандларим, ҳурматли устоз ва мураббийлар, муҳтарам ота-оналар!

Бугун мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида "сўнгги қўнғироқ"лар янграб, байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Мана шу ҳаяжонли дамларда 472 минг нафар ўғил-қизларимиз мактаб таълимини тугатиб, катта ҳаётга йўлланма олмоқда.

Ана шундай унутилмас айём билан барчангизни чин қалбимдан самимий табриклайман.

Биз бугун келажак режаларини тузаётган сиздек фарзандларимиз тимсолида Янги Ўзбекистонни дунёга тараннум этадиган бунёдкор кучни кўрамиз.

Жорий йил биринчи марта 11 минг нафардан зиёд фарзандларимиз мактабни олтин ва кумуш медаллар билан тамомламоқда. Бундай интилувчан ўғил-қизларимиз келажакда ҳам ўз тенгдошларига намуна бўлиб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшади деб ишонаман.

Ҳар бир мактаб битирувчисининг ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши учун ҳозирги кунда катта куч ва имкониятларимизни сафарбар этяпмиз.

Албатта, бугунги битирувчи — эртанги муҳандис, шифокор, олим, шоир ва адиб, тадбиркор дегани. Бугунги битирувчи — Учинчи Ренессанс бунёдкори дегани. Сизлар Янги Ўзбекистоннинг энг катта ишончи ва таянчисиз.

Мамлакатимизда 207 та олийгоҳ ва 643 та техникум сизларга замонавий билим, касб ва малака беришга тайёр. Тиришқоқ, ўз кучига ишонган ёшларимиз ҳали мактабни тугатмасдан туриб, юртимиздаги, чет элдаги нуфузли олийгоҳларга киришга улгурди. Масалан, 171 нафар ёшларимиз дунёнинг етакчи университетларига, яна минглаб битирувчилар мамлакатимиздаги олийгоҳларга қабул қилинди.

Ана шу фарзандларимни, уларнинг ота-оналари ва устозларини бундай ютуқлари билан чин дилдан табриклайман.

Азиз битирувчилар!

Ўзингиз кўряпсиз, бугун ҳаёт ҳам, меҳнат бозоридаги талаб ҳам шиддат билан ўзгариб бормоқда. Янги-янги касблар пайдо бўляпти. Тил, касб, компьютер саводхонлиги ва мустақил даромад топиш кўникмасини эгаллаш муҳим заруратга айланмоқда. Меҳнат бозори энди, аввало, "ҳужжат" эмас, амалий билим, малака ва натижа сўраяпти.

Бугун қишлоқдаги оддий мактаб битирувчиси эртага дунё тан оладиган олим бўлади. Бугун олдига катта мақсадлар қўйган, интилувчан, изланувчан ёшларимиз эртага миллионлаб инсонларга хизмат қиладиган технологияларни яратади. Бугун китоб ўқиётган бир қизалоқ эртага мамлакат тараққиётини янги босқичга олиб чиқадиган фарзандларни тарбиялайди.

Шу боис ҳар бирингиз камида биттадан хорижий тил ва замонавий касбни эгаллашга ҳаракат қилинг. Бу келажакка очилган эшик, сиз учун қўшимча имконият ва рағбатдир.

Тадбиркор бўлишни истайдиган ёшларимиз учун банклар жорий йил 25 триллион сўм арзон кредитлар таклиф этмоқда. Стартап лойиҳаларини бошлаган битирувчиларга эса 100 миллион доллар маблағ тайёрлаб қўйганмиз. Энг йирик АТ компаниялар ҳар йили камида 50 минг битирувчини сунъий интеллект бўйича ўқитиб, юқори даромадли ишга жойлаштиришга тайёр. Келгуси йилларда 168 минг гектар супер интенсив саноатлашган боғлар ташкил қиламиз. Мазкур лойиҳаларда қатнашмоқчи бўлган болаларимни мен доим қўллаб-қувватлайман.

Мана шу янги соҳаларда сизлар, албатта, ўз касбингизнинг ҳақиқий эгаси бўласиз!

Қадрли фарзандларим!

Бугунги тез ўзгараётган даврда ҳаётга, унинг кескин талабларига тайёр бўлиш бу — энг муҳим вазифа.

Ушбу йўлда сизлар учун энг яқин дўст ва энг кучли қурол — китобдир. Чунки китоб — нур, илм ва ибрат манбаи. Кўп китоб ўқиган инсон ҳеч қачон тўғри йўлдан адашмайди, кучли ирода, кенг дунёқарашга эга бўлади.

Бугунги ҳаётимизда сизлар учун ўрнак бўладиган ютуқларимиз, ёш-ёш қаҳрамонларимиз кўп. Тўрт-беш йил олдин мактабни тугатган Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Абдусатторов, Абдуқодир Ҳусанов каби машҳур спортчиларимиз шахмат ва футбол оламида бутун дунёни қойил қолдирмоқда.

Ёш кино ижодкорларимиз суратга олган қисқа метражли фильм Канн халқаро кинофестивали доирасидаги инклюзив фильмлар фестивалида "Гран-при" мукофотини олишга сазовор бўлди.

Куни кеча футбол бўйича миллий терма жамоамизни жаҳон чемпионатига катта тантана билан кузатдик.

Барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайдиган бундай ютуқлар илгари тарихимизда ҳеч қачон бўлмаган.

Кўряпсизларми, чин дилдан интилса, ҳаракат қилса, Янги Ўзбекистон ёшлари қандай буюк марраларни забт этишга қодир!

Мен ишонаман, сизларнинг орангиздан ҳам ана шундай миллат қаҳрамонлари, Янги Ўзбекистон ифтихорлари етишиб чиқади!

Бу дунёда ҳар бир онгли инсон ота-онаси, устозлари ва эл-юрти ишончини оқлашга интилиб яшайди. Инсон учун энг улуғ бахт, улкан шараф аслида шу.

Сиз бугун мактабни тугатдингиз, лекин катта ҳаёт мактаби энди бошланмоқда.

Мен сизларга ана шундай тенгсиз бахт, юксак саодат эгаси бўлишларингизни тилайман.

Олдингизга катта мақсадлар қўйишдан ҳеч қачон қўрқманг!

Ўзингизга ишониб, ҳамиша олға боринг!

Доимо ўзгаришлар, ислоҳотлар руҳи билан яшайдиган авлод бўлинг!

Шу йўлдаги илк қадамларингиз қутлуғ ва баракали бўлсин!

Барчангизга бахт ва омад ҳамиша ёр бўлсин, азиз фарзандларим!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

# НАМАНГАНДАГИ ХАЛҚАРО ГУЛЛАР ФЕСТИВАЛИ ГИННЕС РЕКОРДЛАР КИТОБИДАН ЖОЙ ОЛДИ



Хушхабар





*"Гуллар шаҳри" таърифи билан тилга тушиб, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг гуллар брендига айланган Наманган шаҳрида 65-халқаро "Гуллар фестивали" бўлиб ўтмоқда.*

*Мазкур тадбирнинг очилиш маросимида хорижий давлатларнинг дипломатик корпус вакиллари, чет эл компаниялари ва инвесторлар, маданият ҳамда санъат намояндалари, сайёҳлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.*

Анъанага кўра, фестивални 300 дан зиёд замонавий ҳамда ретро автомобиллар ва бошқа турли транспорт воситаларидан иборат автокарвоннинг юриши бошлаб берди.

"Наманган" халқаро аэропорти олдидан йўл чиққан минг турфа гуллар билан санъат асари даражасида тематик руҳда безатилган байрам автокарвонини тантананинг бош манзили — Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи олдигача бўлган ўн километрдан зиёд масофада шоҳкўчанинг икки четида бутун шаҳар аҳли олқишлар билан кузатиб турди.

Фестиваль доирасида дунё миқёсидаги тарихий натижа қайд этилди. "Жамоавий ҳолатда энг кўп гул экиш" йўналиши бўйича янги жаҳон рекорди ўрнатилиб, фестиваль расман Гиннес рекордлар китобига киритилди.

Тантанали маросимда "Guinness" вакили Шейда Субаси томонидан Гиннес рекордлар китоби сертификатини вилоят ҳокимига топширди.

➡ 4

# САМАРАЛИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ЭНГ МУҲИМ КЎРСАТКИЧИ

*Бугун Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар нафақат иқтисодиёт ёки инфратузилма соҳасини, балки давлат бошқаруви тизимини ҳам мутлақо янгича босқичга олиб чиқмоқда. Айниқса, "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши лозим" деган тамойилнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилгани мамлакатимиз тараққиётидаги энг муҳим ўзгаришлардан бири бўлди.*

Муносабат

Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокида Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтган "Сифатли давлат бошқаруви" дастури доирасидаги тақдирлаш маросими ҳам ана шу эзгу ғоянинг амалий ифодаси сифатида катта аҳамият касб этди. Чунки бугун давлат идоралари фаолиятига фақат расмий ҳисобот ёки статистик рақамлар орқали эмас, балки аҳоли ҳаётидаги реал ўзгаришлар орқали баҳо берилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ислоҳотнинг самараси, аввало, инсон манфаатида намоён бўлиши керак. Фуқаро давлат хизматидан рози бўлса, тадбиркор ортиқча тўсиқларсиз ишлай олса, одамлар ўз муаммосига тез ва адолатли ечим топса — бу самарали давлат бошқарувининг энг муҳим кўрсаткичидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизда бюрократия ва қоғозбозликни қисқартириш, давлат хизматларини рақамлаштириш, қарор қабул қилиш жараёнида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътирофга лойиқ. Хусусан, сўнгги йилларда давлат хизматларининг электрон шаклга ўтказилиши одамларнинг вақти, маблағи ва ортиқча сарсонгарчилигини камайтиришга хизмат қилмоқда.

Қувонарли жиҳат шундаки, "Сифатли давлат бошқаруви" дастури доирасида давлат идоралари фаолияти халқаро экспертлар иштирокида баҳоланмоқда.

➡ 2

Муносабат

# МАЪНАВИЙ УЙҒОНИШ – ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИ

*Яқинда "Халқ сўзи" газетасида чоп этилган сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг "Миллат шавкати" мақоласини ўқир эканман, давлатимиз раҳбарининг Самарқандда амалга оширган улкан ишлари мисолида кейинги йилларда юртимизда юз берган ўзгаришлар кўз олдимда ёрқин намоён бўлди. Муаллиф эътироф этганидек, Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилояти раҳбари сифатидаги фаолияти даврида асос солинган маънавий уйғониш кейинчалик бутун мамлакат тақдири ва тараққиёт йўлини белгилаб берган улкан стратегик ислоҳотлар учун мустаҳкам асос бўлди.*

Дарҳақиқат, ўтаётган ўн йиллик нафақат Самарқанд, балки Ўзбекистон ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Бунга юртимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш, инсон қадрини улуғлаш, миллат руҳиятини уйғотиш борасида олиб борилаётган ишлар мисолида гувоҳ бўлиб турибмиз. Айниқса, Самарқанд дунё сиёсатчилари ва иқтисодчилари тез-тез жам бўладиган халқаро дипломатия саҳнаси, таъбир жоиз бўлса, йирик сиёсий-иқтисодий марказга айланди.

➡ 3

Эътироф

# ЛОНДОН ФОНД БИРЖАСИДАГИ ЙИРИК «IPO»

## Янги Ўзбекистондаги ортга қайтмас ислоҳотларнинг яна бир ёрқин тасдиғи

*Агар бундан ўн йил аввал Ўзбекистон тез орада дунёнинг иқтисодиёти энг тез ривожланаётган ва ўз овози, улуғвор ташаббуслари билан тилга тушадиган давлат сифатида намоён бўлади, дейишганда бу гапга чет элликларни қўятуринг, ўзимизникилар ҳам ишонмасди. Чунки муаммолар шу қадар кўп эдики, буни бирданига бартараф этиш, банк-молия тизимини замонавий тарзда изга қўйиш, иқтисодиётни оёққа турғазиш, энг муҳими, одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш — бир қарашда уддалаб бўлмас масала эди. Аммо юритилаётган оқилона сиёсат, либерал иқтисодий ислоҳотлар туфайли бунга амалда эришилмоқда. Ўзбекистон ўз тарихида илк бор давлат активларини халқаро капитал бозори — Лондон фонд биржасига қўйгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.*

➡ 3

Сурур

# БАХТИЁР АВЛОДГА БАХШИДА

*Нурлар оғушида уйғонган, эй тонг,*
*Жозибанг бағрида ҳаяжонда жон.*
*Бу кун ҳам ҳаётда мўътабардир энг,*
*Толега берилган бетакрор имкон.*

*Оталар юзига бир бор назар сол,*
*Қара, қандай масрур оналари ҳам.*
*Шодлангин, улғаяр кўрмайин завол,*
*Кўзлари чақнаган болалари ҳам.*

*Нигоҳинг қувнайди боғларни кўриб,*
*Яшиллик олами тортар меҳрига.*
*Қишлоғу овулни оралаб юриб,*
*Ошино бўласан унинг сеҳрига.*

*Жилмайиб турган у, билсанг, Жавоҳир,*
*Шахмат тахтасида дадил сурган от.*
*Манаман деганни енгиб у охир,*
*Беллашиб мардларча айлаганди мот.*

*Барчиной келбатли Диёра бири,*
*Эпчиллик бобида сира енгилмас.*
*Ғолиблик ҳар кимнинг эмас ҳунари,*
*Ҳаттоки йигитлар келолмайди бас.*

*Ёшларнинг омади келган давр бу,*
*Устозлар дуоси бўлган ижобат.*
*Бу кунга келгунча меҳнат, сабр бу,*
*Гуркираб барг ёзди меҳр, оқибат.*

*Хоразмий издоши — математиклар,*
*Дунё майдонида ғолиб, совриндор.*
*Илмни истиқбол томон етаклар,*
*Дилдаги интилиш, тенгсиз иқтидор.*

*Темурбек авлодин шижоатин кўр,*
*Томирларда жўшар улуғлар қони.*
*Бежизмас, бу элнинг қудрати ҳам зўр,*
*Асли боболарнинг собит иймони.*

*Ҳаммасига гувоҳ бу кўҳна замин,*
*Не фотиҳлар кечди кўтариб урхо.*
*Аммо Навоийнинг соҳир қаламин*
*Синдиролган кучни кўрдими дунё?!*

*Бугун имконият чекланмас сира,*
*Тақдир зарбасини қилмаслар писанд.*
*Паралимпиячи сафлар ҳам, қара,*
*Юксак майдонлардан қайтар сарбаланд.*

*Кутаётир бизни олис мундиаль,*
*Жаҳон аро мағрур тўп сурар ўзбек.*
*"Оқ бўрилар" бунда енгилмас азал,*
*Футбол осмонида чақнар юлдуздек.*

*Бугун қўлга китоб олмоқлик фасли,*
*Идроклар улғаяр боболарга хос.*
*Тафаккур, заковат донолар насли,*
*Ёвқур, ёш кўзларда чақнайди ихлос...*

*Дерлар оққан дарё оқмасдан қолмас,*
*Бу юртда буюклар улғаяр ҳали.*
*Билимдон миллатни ёвлар босолмас,*
*То сўнмаса агар ирфон машъали.*

*Гуручлар курмаксиз бўлмаган каби,*
*Гоҳида йўлларда учрайди нокас.*
*Обрў талашмоқлик кимнинг матлаби,*
*Қорнидан бошқасин, балки, ўйламас.*

*Балки, ғаламислар пайт пойлар сергак,*
*Ахир боғ оралаб ўсар тиканлар.*
*Бордир элга ўзин кўрсатиб дўстдек,*
*Душманга сотишга тайёр турганлар.*

*Азиз халқ англади ўзликни бугун,*
*Ўсиб келаётир мард, жасур авлод.*
*Одил Йўлбошчининг ортидан бутун,*
*Эл борар — қалбида улуғвор имдод.*

*Афсус, дунё ҳамон чайқалар нотинч,*
*Қўйиб бир-бирига беаёв ғовлар.*
*Гарчи Ватан сокин, тунларимиз тинч,*
*Омонлик қадрини билмас бировлар.*

*Нурлар оғушида уйғонган, эй тонг,*
*Хуш келдинг ўлкамга кенгликлар ошиб.*
*Юртим ҳар гўшасин айла чароғон,*
*Ҳар юракка киргин кенг қулоч ёзиб.*

*Токи нур қадрига етсин ҳар онда,*
*Ғурур ва шукурни айласин одат.*
*Токи англаб етсин Ўзбекистонда*
*Туғилмоқ, яшамоқ улкан саодат!*

**Ўткир РАҲМАТ.**

Сенатор сўрови

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ЁШЛАР МУАММОЛАРИ ҚАЧОН ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПАДИ?



*Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси, сенатор Малика Қодирхонова томонидан Ёшлар ишлари агентлиги директорига ижтимоий ҳимояга муҳтож вояга етмаган ёшларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш ҳамда иш билан таъминлаш масалалари юзасидан сенатор сўрови юборилди.*

Сўровда 2026 йил апрель ойи ҳолатига кўра, Ички ишлар вазирлиги тизимидаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларидан 14 638 нафар 16-17 ёшдаги ўсмир оиласига қайтарилгани ҳамда ушбу ёшларнинг 2 671 нафари ID-картага эга эмаслиги қайд этилган.

Таъкидланишича, оиласи бағрига қайтган ёшларнинг аксариятини ижтимоий ҳимояга муҳтож ва яшаш шароити оғир оилалар фарзандлари ташкил қилади. Ушбу оилаларнинг молиявий имконияти чеклангани сабабли айрим вояга етмаганлар ўз вақтида ID-карта ололмаяпти. Бу эса уларни касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш ва ижтимоий дастурларга жалб этишда бир қатор муаммоларни юзага келтирмоқда.

Сенатор сўровида амалдаги қонунчиликка мувофиқ Ёшлар ишлари агентлиги ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш, тадбиркорликка йўналтириш ва бандлигини таъминлаш борасидаги вазифаларга масъул экани таъкидланган.

Шу муносабат билан агентликдан ижтимоий ҳимояга муҳтож вояга етмаганларни қўллаб-қувватлаш, ID-картаси мавжуд бўлмаган ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича режалаштирилган чоралар, шунингдек, масъул идоралар ўртасидаги ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида асослантирилган маълумот тақдим этиш сўралган.

# КАРАНТИН ХИЗМАТЛАРИ ВА БИОЛАБОРАТОРИЯЛАР ФАОЛИЯТИ ЭЪТИБОРДА

*Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Сайёра Абдикаримова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Фарғона вилоятида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишмоқда.*

Ўрганиш

Ташриф доирасида дастлаб Қувасой шаҳридаги "Валик" маҳалласи ҳудудида жойлашган "Қувасой Нодиржон" кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолияти кўздан кечирилди.

Хўжалик 2016 йилда ташкил этилган бўлиб, умумий майдони 40,3 гектардан иборат. Шундан 39,2 гектарида интенсив боғ барпо қилиниб, томчилатиб суғориш тизими йўлга қўйилган. Бу ерда гилос, ўрик, шафтоли ва олхўри каби мевали дарахтлар парваришланмоқда. Ташкил этилган интенсив боғларда экспортбоп гилос навлари етиштирилиб, замонавий агротехнологиялар асосида юқори ҳосилдорликка эришиляпти.

Етиштирилаётган маҳсулотлар ички бозор эҳтиёжини таъминлаш билан бирга улар экспортга ҳам йўналтирилмоқда. Бу эса ҳудуднинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, экспортга тайёрланаётган гилос ва ўрик маҳсулотларини саралаш, қадоқлаш ва ташқи бозор талаблари асосида тайёрлаш жараёнлари ҳам ишчи гуруҳ назаридан четда қолмади.

Бундан ташқари, Олтиариқ туманининг экспорт жараёнлари ва соҳада яратилган инфратузилмалар фаолияти ҳам кўздан кечирилди. Маълумотларга кўра жорий йилда туманда умумий сиғими 6,5 минг тоннани ташкил этувчи 7 та замонавий музлаткичли омборхона ташкил этиш режалаштирилган.

Шунингдек, туман агрологистика марказида вилоят Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси томонидан ташкил этилган экспортга кўмаклашувчи марказ фаолиятига ҳам баҳо берилди. Бу ерда фитосанитар ҳужжатларни расмийлаштириш, маҳсулотларни экспортга тайёрлаш ва тадбиркорларга амалий кўмак кўрсатиш бўйича хизматлар йўлга қўйилган бўлиб, жорий йилда тадбиркорлар учун яна 3 та қўшимча экспортга кўмаклашувчи гуруҳ ишга туширилган.

Ташрифлар давомида тадбиркорлар ва маҳаллий аҳоли вакиллари иштирокида очиқ мулоқотлар ўтказилиб, соҳадаги муаммолар, экспорт ҳажмини янада ошириш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, фитосанитар хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда тадбиркорларга амалий кўмак бериш масалалари муҳокама қилинди ва уларга тегишли тавсиялар берилди.

Ишчи гуруҳ ўрганишлари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

Анжуман

# РАҚАМЛИ ДАВРДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ВА КИБЕРХАВФСИЗЛИК ДОЛЗАРБ

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида "Рақамли даврда қонун устуворлигини таъминлаш: инновациялар, инсон ҳуқуқлари ва хавфсизлик мутаносиблиги" мавзуида "Tashkent Cyberlex — 2026" халқаро илмий-амалий форуми бўлиб ўтди.*

Очилиш маросимида Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулхаким Эшмуратов сўзга чиқиб, мамлакатимизда ҳуқуқни рақамлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, шунингдек, жамият ҳаётининг барча соҳаларида кечаётган рақамли трансформация жараёнларининг устувор йўналишларига тўхталиб ўтди.

Тадбирда АҚШ, Германия, Франция, Япония, Корея Республикаси, Хитой, Сингапур, Нидерландия, Австрия, Латвия, Исроил, Вьетнам, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Молдова, Озарбайжон ва бошқа давлатлардан прокурорлар, суд экспертлари, олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда рақамли технологиялар соҳаси мутахассислари қатнашди.

Форум доирасида кибержиноятларни фош этиш, рақамли криминалистика йўналишини ривожлантириш, далиллардан фойдаланиш амалиёти, жиноят суд ишларини юритишда сунъий интеллект технологияларини қўллаш, шунингдек, рақамли трансформация шароитида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш масалалари юзасидан кенг муҳокамалар ўтказилди.

*Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари парламентлари вакиллари иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари — Жамила Бобаназарова ва Малика Қодирхонова қатнашди.*

# ГЕНДЕР ТЕНГЛИК БЎЙИЧА ПАРЛАМЕНТЛАРАРО МУЛОҚОТ

Мазкур мулоқот хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, гендер тенгликни таъминлаш ҳамда гендер зўравонликка қарши курашишда парламентлар ролини мустаҳкамлашга бағишланди.

Тадбирда Марказий Осиё давлатлари, шунингдек, Озарбайжон ва Грузия парламентлари вакиллари иштирок этиб, қонунчиликни такомиллаштириш, профилактика ва ижтимоий ҳимоя механизмларини кучайтириш бўйича ўзаро тажриба алмашди.

Учрашув давомида гендер тенглик нафақат ижтимоий адолат, балки барқарор тараққиёт, инсон капитали ва иқтисодий рақобатбардошликнинг муҳим омили экани алоҳида таъкидланди.

Якунда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, гендер тенгликни таъминлаш ҳамда гендер зўравонликка қарши курашиш бўйича парламентлараро ҳамкорликни янада кучайтиришга қаратилган декларация қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ — СТРАТЕГИК МАСАЛА



*Бугунги мураккаб ва тез ўзгараётган глобал шароитда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳар бир давлат олдидаги стратегик масалага айланмоқда. Дунёда иқлим ўзгариши, сув ресурсларининг камайиши, қурғоқчилик, ер деградацияси ҳамда геосиёсий беқарорлик оқибатида қатор давлатларда озиқ-овқат тақчиллиги кузатилмоқда.*

Фикр

Халқаро экспертлар таҳлилига кўра, яқин йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб кескин ортиши, табиий ресурсларга босимнинг кучайиши кутилмоқда. Айниқса, сув танқислиги ва экологик муаммолар Марказий Осиё минтақасида ҳам қишлоқ хўжалигини замонавий ёндашувлар асосида ривожлантиришни талаб этяпти.

Президентимиз раислигида озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш ҳамда чорвачиликни қўллаб-қувватлаш бўйича ўтказилган йиғилиш мамлакатимиз аграр соҳасини ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "даладан дастурхонгача" тамойилига асосланган янги тизим озиқ-овқат хавфсизлигини халқаро стандартлар асосида таъминлаш, маҳсулот сифати устидан самарали назоратни йўлга қўйиш ва экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади. Энг муҳими, мазкур ёндашув ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиб, тадбиркор ва фермерлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятли.

Бугун озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи фақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан чекланиб қолмаяпти. Ушбу масала эндиликда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни таъминлаш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ички бозор барқарорлигини сақлаш ҳамда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш билан бевосита боғлиқ стратегик йўналишга айланган.

Ҳозирги глобал таҳдидлар, хусусан, иқлим ўзгариши, сув танқислиги, логистика занжиридаги узилишлар ва халқаро бозорлардаги кескин рақобат давлатлардан бу соҳага мутлақо янги ёндашув асосида қарашни талаб этмоқда. Бу борада озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича ягона марказлашган тизимнинг ташкил қилиниши соҳада йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни бартараф этиш, назорат механизмларини соддалаштириш ва замонавий бошқарув тизимини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунё давлатларида чорвачилик соҳасида ҳам мураккаб вазият кузатилмоқда. Иқлим ўзгариши, озуқа базасининг қисқариши, ишлаб чиқариш харажатларининг ошиши ва қурғоқчилик оқибатида кўплаб мамлакатларда гўшт ҳамда сут маҳсулотлари нархи кескин ошяпти. Янги ташкил этилаётган Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги эса ушбу йўналишда тизимли ислоҳотларни жадаллаштиради.

Озуқабоп экин майдонларини кенгайтириш, наслчиликни ривожлантириш, имтиёзли кредитлар ажратилиши, қайта ишлаш ҳажми ва экспорт имкониятларини ошириш бўйича белгиланган вазифалар қишлоқ ҳудудларида бандликни таъминлаш ҳамда аҳоли даромадларини кўпайтиришга хизмат қилади.

**Махсуд МУҲАММЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# АСОСИЙ МЕЗОН — ХОЛИСЛИК, МАСЪУЛИЯТ ВА ИШОНЧ

*Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ташкил этилганининг 8 йиллиги муносабати билан тадбирлар ўтказилди. Унда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Ҳусан Эрматов қатнашди.*

Тадбир

Сенатор университет профессор-ўқитувчилари, талабалар ва ёш тадқиқотчилар билан учрашиб, бугунги глобал ахборот маконида журналистика олдида турган долзарб вазифалар хусусида гапириб берди.

Мулоқотда замонавий журналистиканинг асосий мезони нафақат тезкорлик, балки холислик, масъулият ва ишонч экани таъкидланди. Шунингдек, сенатор ёшларни миллий қадриятларга таянган ҳолда фикрлашга, ахборот тарқатишда профессионал этика ва медиасаводхонлик тамойилларига қатъий амал қилишга чақирди.

Ахборот хавфсизлиги, фейк хабарларга қарши курашиш, рақамли платформалар таъсири, миллий медиа маконида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш каби мавзулар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Тадбирда иштирокчилар университетнинг сўнгги йиллардаги ютуқлари, халқаро ҳамкорлиги ва ёшлар учун яратилган имкониятлар билан танишди. Шунингдек, "Минбар" талабалар журнали ҳамда "Студенческая жизнь" газетасининг махсус сонлари тақдимоти ҳам ўтказилди.

**«Халқ сўзи».**

# ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН БЮДЖЕТЛАШТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК АҲАМИЯТИ

*Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув марказида "Ўзбекистонда гендерга йўналтирилган бюджетлаштиришни режалаштириш ва уни бюджет жараёнига босқичма-босқич жорий этиш" мавзуида ўқув семинари бўлиб ўтди.*



Семинар

Тадбирда бундай бюджетлаштиришни давлат молиясини бошқариш тизимига интеграциялашнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини мустаҳкамлаш бўйича амалий ёндашувлар муҳокама қилинди.

Семинарнинг очилишида Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Орзигул Қозихонова сўзга чиқиб, мазкур тизимни давлат молиясини бошқариш жараёнига жорий этиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Айтилганидек, мазкур тизим давлат харажатларини режалаштириш ва амалга оширишда аёллар ва эркаклар манфаатларини тенг ҳисобга олиш, гендер тафовутларини қисқартириш, шунингдек, бюджет жараёнларида шаффофлик, ҳисобдорлик ва назоратни кучайтиришга хизмат қилади.

Икки кун давом этган семинар доирасида гендерга йўналтирилган бюджетлаштиришнинг стратегик аҳамияти, халқаро тажриба ва моделлар, шунингдек, Ўзбекистонда миллий қонунчилик асосларини шакллантириш масалаларига бағишланган мавзули сессиялар ташкил этилди.

Интерфаол гуруҳ муҳокамаларида иштирокчилар мамлакатимизда мазкур масала бўйича қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга хизмат қилувчи муҳим тамойиллар юзасидан фикр алмашди.

Тадбирда гендерга йўналтирилган бюджетлаштириш тамойилларини босқичма-босқич жорий этиш бюджет харажатларини режалаштириш ва амалга оширишда хотин-қизлар ҳамда эркаклар манфаатлари, эҳтиёжларини тўлиқ ҳисобга олиш, парламент назоратини кучайтириш ва гендер тенглигини таъминлаш бўйича миллий мажбуриятларни самарали амалга оширишга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

**«Халқ сўзи».**

# САМАРАЛИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ЭНГ МУҲИМ КЎРСАТКИЧИ

1 Бу эса тизимда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, кучли ва заиф томонларни холис аниқлаш ҳамда илғор тажрибаларни оммалаштириш имконини бермоқда.

Айниқса, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги каби қатор идораларнинг рақамлаштириш, хизмат сифатини ошириш ва самарадорликни таъминлаш борасидаги натижалари давлат бошқарувида мутлақо янги ёндашув шаклланаётганини кўрсатади. Бу орқали "жараён учун ишлаш" эмас, балки "натижа учун ишлаш" тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Бугунги кунда мазкур тизим фақат маъмурий механизм эмас, балки инсон қадрини улуғлайдиган, халқ ишончини мустаҳкамлайдиган муҳим институтга айланиб боряпти. Президентимиз томонидан "инсон қадри учун" деган ғоянинг барча ислоҳотлар марказига қўйилаётгани ҳам бежиз эмас.

Шу билан бирга, маҳаллий ҳокимликларнинг ҳам келгуси босқичда ушбу дастурда иштирок этиши белгилангани айни муддао. Чунки ислоҳотлар самараси, аввало, туман ва шаҳарларда, оддий одамлар ҳаётида сезилиши керак.



Аҳоли давлатдан рози бўлиши учун қуйи бўғиндаги раҳбарлар масъулияти, ташаббускорлиги ва халқ билан мулоқоти ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Муҳими, бугун мамлакатимизда давлат хизматчисига нисбатан мутлақо янги талаб шаклланмоқда. Энди раҳбар ёки мутахассисдан фақат топшириқ бажариш эмас, балки ташаббускорлик, инновацион фикрлаш, масъулият ва халқ дардини ҳис қилиш талаб этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, давлат бошқаруви тизимининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилаётганини англатади.

"Сифатли давлат бошқаруви" дастури мамлакатимизда самарали, очиқ ва халқчил давлат тизимини шакллантириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Зеро, инсон манфаати устувор бўлган жамиятда тараққиёт ҳам, адолат ҳам, халқ ишончи ҳам мустаҳкам бўлади.

**Эркин ГАДОЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси.**

# СИФАТЛИ БОШҚАРУВ ВА СТРАТЕГИК НАТИЖАЛАР

*Давлат бошқарувида очиқликни таъминлаш давлат идораларининг халқимиз олдидаги ҳисобдорлигини кучайтиришда энг муҳим тамойиллардан биридир. Кейинги йилларда бу борада тизимли ислоҳотлар, институционал янгиланишлар амалга оширилмоқда.*

Муносабат

Ўзбекистон Президенти "Сифатли давлат бошқаруви" дастури доирасида пойтахтимизда ўтказилган тақдирлаш маросимида қайд этганидек, ҳар бир фуқаро кундалик ҳаётида ҳис қилаётган ижобий ўзгаришлар орқали давлат фаолиятига баҳо беради. Шу боис бошқарув идоралари одамларнинг муаммоларини ўз вақтида ва тизимли ҳал этиши зарур.

Давлат бошқаруви самарадорлигини кучайтириш бўйича изчил халқаро ҳамкорлик асосида дунёдаги илғор тажрибалар юртимизда жорий қилинмоқда. Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Сифатли давлат бошқаруви" дастури шундай фаолиятнинг бир амалий натижаси сифатида баҳоланди.

Энг асосий жиҳатлардан бири, ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб бормоқда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда очиқлик ва ҳисобдорлик тамойиллари қатъий белгилаб қўйилаётгани, шунингдек, халқаро ҳамда хорижий тажрибаларга мувофиқ миллий қонунчилик доимий ривожланишда эканини давлат бошқарувининг янада тизимли бўлишига хизмат қилаётир.



Тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунлар ортиқча қоғозбозлик ва бюрократик тўсиқларни бартараф этишда, маъмурий буйруқбозликка суянадиган эскича бошқарувга тўлиқ чек қўйишда, аҳолининг давлат тизимига ишончини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан ҳам сифатли давлат бошқаруви билан халқчил қонун ижодкорлиги бир-бирига узвий боғлиқ.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, рақамли технологиялар ривожланиши давлат бошқарувида қарорлар қабул қилиш жараёнларига ҳам талабларни оширмоқда. Шунинг учун илғор замонавий бошқарув тенденцияларини яхши ўзлаштирган кадрларнинг ёш авлодини шакллантириш долзарб вазифа саналади.

Президент ҳузурида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолият юритаётгани, Миллий кадрлар захираси шакллантирилаётгани, давлат хизматига қабул қилиш очиқ танловлар орқали йўлга қўйилаётгани давлат бошқаруви идораларига хорижда ўқиб келган, шиддатли тараққиёт талабларига мос фикрлаб, иш юрита оладиган ёшларни жалб этишда самарали платформалар жорий қилинаётганини англатади.

Албатта, бошқарув самарадорлиги ҳақида гапирганда, номарказлаштириш сиёсатини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз. Ҳудудлардаги кундалик ижтимоий масалаларни ҳал қилиш ҳақида қарор қабул қилиш ваколати марказдан жойлардаги идораларга ўтказилиши аҳолини ўйлантираётган муаммоларнинг жойида, самарали ва қисқа муддатларда ечим топишига асос бўлмоқда.

Ислоҳотлар тақдири ҳудудларда ҳал бўлади, деган ғоядан келиб чиқиб, маъмурий ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига мос бошқарув шакллари жорий қилинаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, энг аввало, стратегик натижаларга, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоялашга йўналтирилганини алоҳида қайд этиш зарур.

"Сифатли давлат бошқаруви" дастури давлат идораларида натижадорликка қаратилган фаолиятни чуқур ва холис таҳлил қилиш, илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш ҳамда соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Дастур янада очиқ ва талабчан бўлиши, самарадорлик ҳамда хизмат сифати бўйича ортда қолаётган ташкилотлар ҳам очиқ айтилиши билдирилди.

Бу каби кенг қамровли дастурлар, давлат бошқарувида сифатга интилиш ҳукуматнинг, вазирлик-идораларнинг халқимиз олдидаги масъулиятини оширади, стратегик мақсадларга эришиш йўлида талабчанликни янада кучайтиради. Халқ демократик партияси натижадорлик ва ҳисобдорликка асосланган бундай ёндашувни қўллаб-қувватлайди.

**Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари.**

**Қурбон ҳайити муносабати билан юртимиздаги оғир ва ногиронликни келтириб чиқарувчи касалликларга чалинган 10 000 нафар болада бепул жарроҳлик амалиётини ўтказиш режалаштирилган.**




# ЛОНДОН ФОНД БИРЖАСИДАГИ ЙИРИК «IPO»

## Янги Ўзбекистондаги ортга қайтмас ислоҳотларнинг яна бир ёрқин тасдиғи

1 Дунё сармоядорлари эътибори тушган халқаро таблодаги рақамлар янада салмоқли: 2,4 миллиард доллар. Бу Ўзбекистон Миллий инвестиция жамғармасига қарашли давлат активларининг 30 фоиз улуши. Халқаро ҳамкор — “Franklin Templeton”. Бу Лондон фонд биржасидаги йирик “IPO”лардан бири, шунингдек, 2026 йилдаги энг катта жойлаштиришдир. Савдоларнинг Тошкент ва Лондон биржаларида бир вақтда бошланиши ички ҳамда халқаро инвесторлар учун муҳим сигнал сифатида кўринди.

Эътиборингиз ҳавола қилинаётган бир гуруҳ иқтисодий таҳлилчиларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам ушбу тарихий воқелик ҳамда унинг аҳамияти ҳақида.

**Муҳаммадсидиқ АМАНБАЕВ,**
**Халқаро Нордик университети проректори, профессор:**



— Лондон фонд биржаси каби майдонларда очиқлик энг муҳим мезон, корпоратив бошқарув ва молиявий интизомга қўйиладиган талаблар эса дунёдаги стандартнинг чўққисидир. “BlackRock”, “Franklin Templeton”, “Redwheel” каби йирик инвесторлар эътиборини тортиш, қизиқтиришнинг илгари синовдан ўтган ўлчови йўқ. Чунки халқаро капитал бугунги нотинч даврда ниҳоятда эҳтиёткор, етти ўлчаб бир кесгандан сўнг ҳам иккиланади, ҳужжатларга такрор ва такрор назар ташлайди. Шундай экан, юртимиздаги ҳар бир ўзгариш, ютуқ ва муаммо чет элликлар учун кафтдек маълум эканлигини англаган ҳолда, Президентимизнинг юртимиз имижини халқаро майдонда кўтаришга даъват этаётганини қадрлаш, бунга жавобан ташаббус кўрсатмоғимиз зарур.

Шу ўринда эътиборингизни яна бир муҳим жиҳатга қаратмоқчиман. Лондон фонд биржасига давлат активларининг яхлит бир жамғарма орқали тақдим этилиши инвесторлар учун катта қулайликдир. Негаки, жамғарма портфелида “Uzbekistan Airways”, “Ўзбектелеком”, “Ўзбекгидроэнерго”, “Ҳудудгазтаъминот”, “Миллий электр тармоқлари”, “Ўзсаноатқурилишбанк” каби йирик компанияларнинг активлари бор. Бу инвестор учун Ўзбекистон иқтисодиётининг стратегик секторларига жамланган портфелни сотиб олиш имконини беради. Қисқа фурсатда “IPO”га 160 дан ортиқ институционал инвесторлар қизиқиш билдирган, шу боис талаб 2,8–2,9 млрд. доллар атрофида шаклланган. Бир қатор компаниялар, масалан, “BlackRock”, “Franklin Templeton”, “Redwheel” ва “Allan & Gill Gray Foundation” билан боғлиқ сармоядорлар 300 млн. долларлик “cornerstone” мажбуриятларини олган. Бу “IPO”нинг энг муҳим жиҳатидир. Шу боис бемалол айтиш мумкинки, инвесторлар Ўзбекистон активларини фақат маҳаллий воқеа сифатида эмас, балки “frontier market” — ривожланаётган, ҳали тўлиқ очилмаган бозор имконияти сифатида кўрмоқда.

“Franklin Templeton” раҳбарияти ҳам Ўзбекистон Миллий инвестиция жамғармаси “IPO”сини “Ўзбекистон ва унинг капитал бозори учун белгиловчи босқич” сифатида талқин қилмоқда. Мариус Дан “Reuters” халқаро ахборот агентлиги мухбири саволларига жавоб бераркан, “IPO” муваффақияти кейинги йилларда бошқа давлат ва хусусий компанияларнинг ҳам биржага чиқишига йўл очиши мумкинлигини эътироф этди.

Хўш, бундан Ўзбекистон қандай манфаат топади? Бу саволга жавоблар аниқ. Биринчи фойда — халқаро ишончдир. Лондон фонд биржасида листинг қилиш Ўзбекистон компаниялари халқаро инвесторлар олдида ҳисобот беришга тайёр эканини кўрсатади. Бу кейинги “IPO”лар, облигациялар жойлаштириш ёки йирик хусусийлаштириш битимлари учун “benchmark” яратади.

Иккинчи фойда — давлат активлари учун бозор баҳоси шаклланади. Аввал йирик давлат компаниялари қийматини, асосан, баҳоловчилар ёки ҳукумат белгилаган бўлса, энди инвесторлар реал пул билан уларни баҳоламоқда. Ўзбекистон Миллий инвестиция жамғармасининг 1,95 млрд. долларлик капитализацияси келажакдаги хусусийлаштиришлар учун мезон бўлиши мумкин.

Учинчи фойда — Тошкент фонд бозорига эътибор ортади. Маҳаллий инвесторлар илк бор йирик давлат активлари портфелидан улуш сотиб олиш имконига эга бўлди. Бу аҳолининг фонд бозорига қизиқишини ошириши, брокерлик хизматлари ва молиявий саводхонлик ривожига туртки бериши мумкин.

Тўртинчи фойда — давлат компанияларига босим кучаяди ва улар энди яхшироқ ишлай бошлайди. Оммавий инвесторлар пайдо бўлгач, компаниялардан яхшироқ ҳисобот, дивиденд, самарадорлик ва шаффофлик талаб қилинади. Президентимизнинг 2024 йил 28 августдаги 303-сонли қарорида 2030 йилгача жамғарма инвестиция активлари соф фойдасининг камида 50 фоизи дивиденд тўлашга йўналтирилиши белгиланган. Бу инвесторлар учун муҳим сигнал ҳисобланади.

Ёдингизда бўлса, 2016 йил охирларида Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш, маъмурий тўсиқларни камайтириш, молиявий тизимни ислоҳ қилиш ва бизнес ҳимоясини кучайтириш бўйича кенг кўламли ўзгаришларни амалга оширишни бошлади. Бугун кўзга “ярқ” этиб кўринадиган рақамлар ана шу ислоҳотлар натижасидир. Яъни, ўтган тўққиз йил ичида мамлакат иқтисодиёти қарийб уч баробарга — 50 миллиард доллардан 147 миллиард долларгача ўсди, экспорт ҳажми эса уч карра ортди. Ислоҳотлар кўлами халқаро рейтингларда ҳам акс этмоқда — Ўзбекистон суверен кредит рейтингларини яхшилаб, иқтисодий эркинлик индексидаги ўрнини мустаҳкамламоқда.

Ўз активларини таклиф этаётган давлатга нисбатан халқаро инвесторларнинг ишончи қанчалик юқори бўлса, саноат, инфратузилма, энергетика, рақамлаштириш ва янги ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ресурсларни жалб қилиш шунча осон кечади. Бу борада Ўзбекистон дунёни ҳайратлантиришга интилмоқда. Негаки, юртимиз раҳбарияти 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 240 миллиард доллардан оширишдек улуғвор мақсадни режалаштирган. Шу мақсадда барча соҳаларда рақамлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, коррупцияга қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан маҳаллий ва хорижий сармоядорлар манфаат топаётир. Улар давлатнинг одилона сиёсати натижасида Ўзбекистон бизнес учун қулай, тинч ва кафолатли маконга айланганини яққол ҳис этяпти. Шу боис бугун Ўзбекистон истиқболли бозор мақомидан йирик глобал инвесторлар тизимли равишда ишонч билдираётган мамлакат мавқеига эга бўлаётир. Бу эса, шубҳасиз, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим натижасидир.



> *“IPO” — компания ёки жамғарма акцияларини фонд биржасида бирламчи оммавий жойлаштириш жараёни. Ташкилот илк бор ўз активларининг бир қисмини инвесторлар учун фонд бозори орқали таклиф этади ва шу орқали йирик капитал жалб қилади. Инвесторлар эса истиқболли активларга сармоя киритиш орқали фойда кўришни кўзлайди.*

**Чжан ЛИНЧЖИ (Zhang LINGZHI),**
**Хитойнинг Синсзян муҳандислик институти Иқтисодиёт ва бошқарув мактаби профессори:**



— Аслида, мазкур жамғарма бундан икки йил аввал Ўзбекистон Президентининг 2024 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикаси миллий инвестиция жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига кўра ташкил этилиб, республикадаги 10 та йирик акциядорлик жамияти негизида иш бошлаган. Унинг зиммасига акцияларни шу йил якунига қадар Тошкент ва халқаро, шу жумладан, Лондон фонд биржаларида жойлаштириш вазифаси қўйилган эди. Бу хайрли иш анча эрта — йил яримига етмасданоқ мувофаққиятли уддаланди ва халқаро оммавий акциялар жойлаштирилиши (“IPO”) бир вақтнинг ўзида Лондон ва Тошкент фонд биржаларида амалга оширилди.

Эътиборли жиҳати, савдоларнинг дастлабки кунларидаёқ жамғарма акциялари барқарор ўсиб бормоқда ва уч кун ичида дастлабки жойлаштиришдаги 25 доллардан 27,25 долларга кўтарилди. Бундай ўзгариш дебют ҳолатда илгари кузатилмаган ва шунга мос равишда давлат акцияларини жойлаштириш шунчаки тадбирдан тантанага айланди. Жараённи кузатиб, бу шунчаки молиявий битим эмас, балки Ўзбекистоннинг янги тараққиёт модели — очиқ, рақобатбардош ва халқаро стандартларга йўналтирилган иқтисодиётга ўтаётганини англатувчи ўзига хос қадам эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Буни иқтисодий ўсиш ва юксалиш нуқтаси, деб аташ ҳам ўринли бўлади.

Очиғи, кичикми, каттами халқаро майдонда, айниқса Англияда эътироф ўз-ўзидан келмайди. Билимингиз, маҳорату исботлай олиш санъатингизни қўллай билишингиз, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар кўламини, моҳиятини тушунтира олишингиз керак уларга. Бизнес учун катта кафолат ва саҳна ҳисобланган Лондон фонд биржаси ижрочи директори ҳам акциялар салоҳиятига тан бермаса, савдонинг истиқболига ишонмаса, илиқ гап айтмайди. У эса эътироф этди, бошқа чет эллик молиявий экспертларнинг нигоҳида ҳам мамнунликни кўрдим. Бу эътиборга молик ҳолат. Аслида эса хориждаги ҳар бир ютуқ, илмдами, иқтисодий йўналиш ё спортдами, ҳар бир ғалаба Ўзбекистон давлати раҳбари томонидан ушбу соҳаларга қаратилаётган катта эътиборининг мевасидир.

Глобал савдо тизимига кириш дунё иқтисодиётига янада юқори даражада интеграцияни назарда тутади, халқаро молия бозори ночорларни тан олмайди, молиявий қудратга, заковатли кучга таянади. Халқаро “IPO” — мамлакат иқтисодиёти жаҳон бизнеси учун қанчалик тушунарли ва мақбул бўлиб қолганининг муҳим кўрсаткичидир. Бугун Ўбекистон бизнес учун маъмурий тўсиқларни изчил камайтирмоқда, тартибга солишни соддалаштирмоқда, солиқ ва молиявий тизимларни ислоҳ қилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида малакатда жами 68 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат халқаро меъёрларга мослаштирилибди. Бир қатор чекловлар бекор қилингани, тадбиркорлик учун техник ва бюрократик тўсиқларга барҳам берилгани алоҳида эътирофга лойиқдир. Халқаро инвесторлар айнан шундай ўзгаришларга катта эътибор қаратади — мамлакат шаффоф ва тушунарли қоидалар асосида ишлашга қанчалик тайёр эканига қарайди, ана шу жиҳатни муттасил баҳолаб боради.

Ўзбекистоннинг корпоратив бошқарув ва молиявий шаффофлик бўйича халқаро стандартларга мослиги “IPO”нинг мувафаққиятини таъминлаяпти.

**Нодирбек КАРИМОВ,**
**PhD, Newcastle бизнес мактаби, Northumbria университети Молия соҳаси бўйича асс. профессори (Буюк Британия):**



— Нега бу воқеа Ўзбекистон учун эсда қоладиган тарихий жараён деб аталди? Биринчидан, Ўзбекистон давлат активларининг глобал бозордаги илк қадамидир. “Reuters”, Bloomberg ва бошқа ахборот манбалари ҳам бу ҳолатни такрор ва такрор шарҳламоқда. “Financial Times” эса Ўзбекистон Миллий инвестиция жамғармасининг бу листингини Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан олиб борилаётган либераллаштириш сиёсатининг марказий элементларидан бири сифатида талқин қилган.

Нашрга кўра, Ўзбекистон Миллий инвестиция жамғармаси листинги хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон бозорига қизиқишини текширувчи муҳим тест бўлди ва кейинчалик Навоий кон-металлургия комбинати каби йирик давлат активлари учун йўл очиши мумкин. Қолаверса, Лондон фонд биржаси сингари талабчан бозорда листинг қилиш компания ҳисоботлари, бошқарув стандартлари, инвесторлар билан ишлаш, рискларни очиқлаш ва корпоратив бошқарув бўйича халқаро мезонларга яқинлашишни талаб қилади. Ўзбекистонлик мутахассислар шу жараёнда катта тажриба ҳам тўплашди. Буни ҳам хорижий ахборот аентликлари эътироф этишмоқда.

Яна бир савол туғилади. Нега шу кунгача бундай “IPO” бўлмаган? Бунинг сабаблари талайгина. Шу пайтгача Ўзбекистон иқтисодиётидаги йирик активлар давлат назоратида эди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан бу борадаги эскича қарашлар ҳам буткул барҳам топди ва давлат корхоналарини хусусийлаштириш, тизимга хорижий сармояларни тезкорлик билан жалб этишга жиддий киришилди. Капитал бозор ўз номига мос равишда манфаат келтирадиган жабҳага айланмоқда, ликвидлиги ошмоқда. Бундан буён Ўзбекистон фонд бозори бутун дунё бўйича очиқ бўларкан, бунда давлат активларини халқаро инвесторлар тушунадиган форматга ўтказиш, уларни баҳолатиш, аудит ва корпоратив бошқарув талабларига мослаштириш жараёни жуда муҳимдир.

“IPO”нинг мамлакат Жаҳон савдо ташкилотига киришга фаол тайёргарлик кўраётган бир пайтда ўтказилгани жуда катта рамзий маънога эга. Қолаверса, дунё жамоатчилиги Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббускорлиги, ўзига хос дипломатик ютуқларини диққат билан кузатмоқда, таҳлил қилмоқда. Унинг АҚШ, Россия, Хитой сингари қудратли давлатлар раҳбарлари билан учрашувлари, эришилаётган халқаро битимлар, келишувлар, янгидан янги ташаббуслар ҳам Ўзбекистонга ишончни оширмоқда. Конструктив сиёсий мулоқот ривожланмоқда, фаол парламентлараро алмашинувлар амалга оширилмоқда. Хавфсизлик соҳасида, терроризм, экстремизм ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш борасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўзбекистон маданий дипломатия тамойилларига таянган ҳолда, дунёнинг қудратли давлатлари қатори иқтисоди ўртача бўлган мамлакатлар учун ҳам ўз бағрини очди. Тинчликсевар, барча халқлар учун эзгулик истайдиган, сармоядорлар учун бир-биридан жозибадор янги лойиҳаларни тақдим этаётган давлат сифатида ўз тараққиёт йўлини яратмоқда. Айни чоғда минглаб инновацион лойиҳаларга киришилган ва уларнинг аксарияти хорижий инвесторлар иштирокида кутилганидек натижа кўрсатмоқда. Кечагина хомашё базаси сифатида кўрилган, қолоқ ва аграр макон саналган, мажбурий меҳнат устувор ҳисобланган давлат бугун АҚШ ва Европани ўзига маҳлиё этаётир. Лондон фонд биржасидаги давлат активлари савдоси бунга бир мисолдир.

Дунё таҳлилчилари тез-тез тилга оладиган ва муттасил кузатиб борадиган “IPO” — иқтисодиётни ривожлантириш учун йирик халқаро капитални жалб этишнинг энг самарали воситаларидан биридир. Инвесторлар акцияларни сотиб олганда, бу маблағлар мамлакат ичида ишлай бошлайди: корхоналарни модернизация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш, янги ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш ва бизнес самарадорлигини оширишга йўналтирилади. Бу эса янги иш ўринлари, солиқ тушумлари ва экспорт салоҳиятининг ўсишини англатади. Лондон фонд биржасидаги ўзбек “IPO”сини ислоҳотлар амалий натижа бера бошлаганининг тасдиғи, Ўзбекистоннинг келажаги, иқтисодий сиёсати ва узоқ муддатли ривожланиш истиқболларига бўлган ишончнинг яққол кўрсаткичи, дея баҳолаш лозим. Бизнес учун бу — янги имкониятлар, иқтисодиёт учун эса барқарор ўсишнинг қўшимча манбаи демакдир.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# МАЪНАВИЙ УЙҒОНИШ — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИ




1 Дунё тажрибасидан маълумки, иқтисодий, демографик, саноат ёки маданий жиҳатдан пойтахтдан кейин турадиган энг йирик шаҳарлар бор. Улар “иккинчи шаҳар” (second city), “иқтисодий марказ” ёки “мегаполис” дея эътироф этилади. Бунга Вашингтондан кейинги асосий иқтисодий марказ ҳисобланган Нью-Йорк (АҚШ), иқтисодиёт ва демография борасида Анқарадан ҳам йирик шаҳарга айланган Истанбул (Туркия), Москвадан кейин турадиган тарихий ва маданий марказ Санкт-Петербург (Россия) шаҳарлари мисол бўла олади. Ўзбекистонда эса бош кентимиз Тошкентдан кейинги “иккинчи шаҳар” мақоми, шубҳасиз, ўзининг тарихий, туристик ва сиёсий нуфузи сабабли Самарқандга тегишлидир.

Бундай дейиш учун асослар етарли, албатта. Бу кўҳна кент сўнгги йилларда чин маънода сиёсий, иқтисодий, ишбилармонлик, санъат ва маданият марказига айланди. Узоққа бормайлик, 2025 йилнинг ўзида у 40 дан ортиқ нуфузли халқаро тадбирлар, йирик анжуман ва форумларга мезбонлик қилди.

Қадим цивилизациялар бешиги бўлган кўҳна Самарқанд ўзининг буюк тарихи ва муқаддас масканлари билан азалдан етти иқлимга машҳур бўлса-да, яқин ўтмишда мамлакатимизнинг ривожланган ҳудудлари қаторига кира олмади. Саноат етарли даражада ривожланмагани, аҳолининг катта қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлгани туфайли ишлаб чиқариш салоҳияти жуда паст эди. Инфратузилмадаги муаммолар эса туризм ривожига соя ташлаб турарди. Ана шундай мураккаб бир пайтда вилоятга Шавкат Мирзиёев раҳбар бўлиб келгани, серғайрат ҳоким томонидан узоқни кўзлаб олиб борилган тизимли ишлар туфайли ҳудуд тараққиётида мутлақо янги босқичга қадам ташланди. Жалб этилаётган инвестициялар ҳажми, технология ва инновациялар кўлами каррасига ортиб, саноат ривожланди, таълим ва тиббиёт соҳалари такомиллашди, туризм истиқболида янги уфқлар очилди.

Бир пайтлар абгор аҳволга келиб қолган туризм инфратузилмасини яхшилаш ишлари 2017 йилдан сўнг янада кенг кўлам касб этди. Айниқса, Президентимиз ғояси ва ташаббуси билан бунёд этилган “Буюк Ипак йўли” халқаро туризм маркази ҳудуднинг янги “ташриф қоғози”га айланди.

Кези келганда айтиш жоизки, ушбу кўп тармоқли марказ таркибида 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс холл, “Боқий шаҳар” мажмуаси, амфитеатр ва кўплаб бошқа иншоотлар мавжуд бўлиб, йилига 2 миллион туристга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Натижада меҳмонхона хизматлари сифати жаҳон стандартларига мос даражага етказилиб, анъанавий экскурсиялар ўрнини замонавий сервис эгаллади. Бунинг ҳудуд иқтисодиётига қанчалик катта наф келтираётганини сайёҳлар сони 7 баробарга ошгани, туристик хизматлар экспорти эса 600 миллион долларга етгани ҳам тасдиқлаб турибди. Қолаверса, вилоятнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлари ҳам ортиб боряпти. Агар ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2016 йилда 23 триллион сўм бўлган бўлса, 2025 йил якуни билан ушбу кўрсаткич 121,5 триллион сўмни ташкил этди. Шунингдек, асосий капиталга инвестициялар 3,6 триллион сўмдан 38,3 триллион сўмга, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 7,4 триллион сўмдан 57,8 триллион сўмга етиб, қарийб 8 баробар ошган.

Албатта, ушбу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ. Бунинг замирида ҳудудларни тизимли ривожлантиришга қаратилган оқилона иқтисодий сиёсат мужассам. Ана шу эзгу қараш Самарқанднинг маънавий ҳаётида туб бурилиш ясади. Шаҳарда Регистон, Шоҳи Зинда, Амир Темур, Бибихоним, Хожа Дониёл, Руҳобод, Ҳазрати Хизр, Расадхона, Даҳбед, Нодир девонбеги, Хўжа Аҳрор Валий ёдгорлик мажмуалари тарихий қиёфасига мос тарзда тикланди.

Шу билан бирга, қаровсиз қолган осори атиқалар, назардан узоқ муқаддас манзиллар обод этилиб, зиёрат туризми салоҳияти каррасига оширилмоқда. Бу ҳақда гап кетганда, Имом Бухорий мажмуаси қайтадан бунёд этилгани, Имом Мотуридий мажмуаси таъмирланаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Шу каби кенг кўламли ишлар натижасида вилоятда зиёратчилар учун ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиляпти. Имом Бухорий мажмуаси қошида туризм маркази очилгани, унга ёндош 15 гектар майдонда замонавий инфратузилма яратилиб, шинам меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш ва сервис нуқталари барпо этилгани туфайли кунига 65 минг нафар зиёратчини қабул қилиш имконияти пайдо бўлди. Ваҳоланки, илгари бир кунда 12 минг зиёратчига хизмат кўрсатилар эди, холос.

Мажмуанинг маҳобати ва кўркам қиёфасига боқиб, кишининг ақли шошади. 10 минг кишига мўлжалланган улкан масжид, маъмурият биноси, 154 устунли миллий услубдаги муҳташам айвон унга янада улуғворлик бахш этиб турибди. Зиёратгоҳнинг қоқ марказида Имом Бухорий бобомизнинг табаррук мақбараси ўрин олган.

Мажмуа таркибида энг илғор ахборот технологиялари асосида 9 павильондан иборат ноёб инновацион музей барпо этилган бўлиб, у ислом оламида муҳаддислар султони дея эътироф этилган Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси, ислом маърифати ривожига қўшган ҳиссасини намоён этади. Шунингдек, музейда Қуръони каримда исмлари зикр қилинган 25 пайғамбар тарихи, Муҳаммад алайҳиссаломнинг шажараси, Макка ва Мадинадаги ҳаёти, ҳадисларнинг жамланиши ва ёзилиши ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган.

Яна бир қувонарли ҳолат, яқинда қурилиш ишлари жараёнида буюк фақиҳ Бурҳониддин Марғиноний дафн этилган жой ҳам аниқлангани зиёрат туризми ривожида яна бир омил бўлди. Айни пайтда ерда мақбара тикланиб, ташриф буюрувчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Шу тариқа улуғ алломанинг муборак номи, беназир илмий-маърифий мероси ва буюк таълимоти яна халқ қалбига юксак эҳтиром ва иззат-икром билан қайтариляпти.

Сиёсатшунос эътибор қаратган яна бир масала — Шавкат Миромоновичнинг инсонпарварлиги, одамларга юксак ҳурмати, меҳри билан боғлиқ эзгу амаллари кўплаб ўқувчилар қатори мени ҳам қалбимни ларзага солди. Бу ерда гап Самарқанд шаҳри биқинидаги Фидойилар ва Сарбадорлар маҳаллаларида яшаб келган лўлиларга қонуний тарзда шахс, яшаш ва мол-мулк ҳуқуқини берувчи гувоҳнома ҳамда паспорт бериш тизими йўлга қўйилгани, маҳалланинг мактаб остонасини кўрмаган болалари илм даргоҳларига жалб қилингани, аҳолининг идорама-идора юриб сарсон бўлишига сабаб бўлган оғриқли муаммолари шу ернинг ўзида тизимли ҳал этилгани ҳақида кетмоқда... Бу катта жасорат, қатъий ирода маҳсули эканини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта.

Демак, ҳақли равишда эътироф этилганидек, “Давлат — халқ учун” деган эзгу тамойилга, одамлар дардини эшитиш, муаммони жойида ҳал қилишнинг ҳаётий механизмига ўша пайтда мустаҳкам пойдевор қўйилган. Унинг мевасидан бугун бутун мамлакат аҳолиси баҳраманд бўлиб, эртанги кунга ишончи янада мустаҳкамланиб бормоқда.

**Тўлқин ЭШНАЗАРОВ,**
**иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

Покистоннинг етакчи — «Indus Group» тўқимачилик компанияси Тошкент шаҳрида ўз офисини очади.

# АЁЛЛАР ФОРУМИ ОСИЁ МИҚЁСИДАГИ СЕРМАҲСУЛ МУЛОҚОТ МАЙДОНИГА АЙЛАНДИ

*Кўҳна ва боқий Бухоро шаҳри яна бир бор цивилизациялар туташган марказга айланди. Бу ерда бўлиб ўтган Осиё хотин-қизларининг иккинчи форуми нафақат минтақавий, балки глобал аҳамиятга эга тарихий воқелик сифатида эътироф этилмоқда.*



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, 20 дан ортиқ хорижий давлат ва халқаро ташкилотлардан юқори мартабали меҳмонлар, жумладан, БМТ бош котиби ўринбосари, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси Ижрочи директори, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, халқаро молия институтлари вакиллари, Осиё парламентларининг аёл аъзолари ҳамда хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари вакилларининг иштироки мазкур анжуманнинг нуфузи нақадар юқори эканидан далолат беради.

Бухоро форуми анжуман бугунги дунё учун жуда муҳимлигини қатор жиҳатлари билан намойиш этди. Самарқандда ўтказилган биринчи форум бундай мулоқот майдонига қанчалик катта эҳтиёж борлигини кўрсатган ва халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланганди. Бухорода мазкур майдонни доимий платформага айлантириш йўлида муҳим қадам ташланди.

Зеро, бугун ҳеч бир давлат хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтирмасдан туриб барқарор тараққиётга эриша олмайди. Шу боис мазкур платформа нафақат мулоқот, балки умумий ёндашувлар, амалий ҳамкорлик ва қўшма ташаббусларни шакллантириш майдонига айланди. Бу майдон — глобал таҳдидларга қарши курашда аёллар бирдамлигининг ёрқин ифодаси.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, иқлим ўзгариши, камбағаллик, тенгсизлик ва турли камситишларга қарши самарали ечимларга фақат хотин-қизларнинг фаол иштироки орқали эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам турли соҳаларнинг фаол аёлларини қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида халқаро ҳамкорлик ва тажриба алмашинувини кенгайтириш бугунги долзарб вазифалардан биридир. Боз устига, Осиё халқларини минг йиллик тарихий илдизлар, маданий яқинлик ва маънавий қадриятлар бирлаштириб туради. Форум айнан мана шу муштаракликни янги босқичга олиб чиқди. Бухородек муқаддас шаҳарда турли миллат ва дин вакиллари бўлган аёлларнинг жам бўлиши — маданиятлараро мулоқотнинг энг олий намунаси, десак, адашмаган бўламиз. Бу ерда муҳокама қилинган масалалар фақат ҳуқуқий эмас, балки инсоний қадриятларга асосланган билан аҳамиятлидир.

### Интеллектуал ва ижтимоий салоҳият

Осиё қитъасида истиқомат қилаётган 5 миллиардга яқин аҳолининг қарийб ярмини аёллар ташкил этади. Бу улкан интеллектуал ва ижтимоий салоҳият демак. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, биз аёллар тимсолида нафақат нафосат соҳибаларини, балки мамлакатлар тараққиётини жадаллаштиришга қодир бўлган улкан бунёдкор кучни кўрамиз. Форум мана шу кучни бирлаштириш, унинг имкониятларини иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларга йўналтириш учун майдон вазифасини ўтади.

Бугунги аёл — замон билан ҳамнафас раҳбар, тадбиркор, олим ва жамоат арбоби. Форумда қатнашган аёлларнинг юксак профессионал маҳорати ва бой тажрибаси Осиё мамлакатларида адолатли жамият барпо этишнинг муҳим омили сифатида кўрилди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш бўйича илгари сурилган таклифлар нафақат минтақа, балки дунё миқёсидаги стандартларни белгилашга хизмат қилади. Бухоро форуми доирасида аёлларнинг таълим, соғлиқни сақлаш ва рақамли технологиялар соҳасидаги ролини ошириш бўйича стратегик йўналишлар белгилаб олинди. Бу, ўз навбатида, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда янги импульс бўлади.

Мазкур форумнинг Ўзбекистонда, хусусан, Бухорода ўтказилиши мамлакатимизда олиб борилаётган очиқлик ва инсон қадрини улуғлаш сиёсатининг халқаро эътирофидир. Ўзбекистон хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўз тажрибасини Осиё қитъаси билан баҳам кўрмоқда ва бу борада янги минтақавий мулоқот форматини яратмоқда. Айтган бўлардимки, Осиё хотин-қизларининг Бухоро форуми янги Осиё уйғонишида аёлларнинг ўрнини белгилаб берувчи манифестга айланди. Бирдамлик ва ҳамкорлик руҳи билан йўғрилган ушбу анжуман халқлар фаровонлигини юксалтириш ва адолатли дунёни барпо этиш йўлидаги энг муҳим қадамлардан бири бўлиб тарихда қолади.

Зеро, аёл бахтли бўлган жамият — барқарор ва келажаги порлоқ жамият. Бухоро заминида янграган ушбу ҳақиқат бугун бутун Осиё қитъаси бўйлаб акс садо бермоқда. Анжуман Ўзбекистоннинг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кенгайтириш борасидаги тажрибасини ўртоқлашишда ўзига хос майдон вазифасини ҳам ўтади. Тан олайлик, айнан хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш Янги Ўзбекистоннинг устувор йўналишига айланди. Бу шунчаки сиёсий декларация эмас, балки эркин, адолатли ва фаровон жамият барпо этиш йўлидаги изчил демократик янгиланишларнинг ажралмас қисмидир.

> *Форумнинг Ўзбекистонда, хусусан, Бухорода ўтказилиши мамлакатимизда олиб борилаётган очиқлик ва инсон қадрини улуғлаш сиёсатининг халқаро эътирофидир. Ўзбекистон хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўз тажрибасини Осиё қитъаси билан баҳам кўрмоқда ва бу борада янги минтақавий мулоқот форматини яратмоқда.*

### Адолатли ва инклюзив давлат барпо этишнинг муҳим стратегияси

Янги Ўзбекистонда хотин-қизларга эътибор ва ғамхўрлик шунчаки мажбурият эмас, балки жамиятнинг ҳар бир аъзоси тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлган адолатли ва инклюзив давлат барпо этишнинг муҳим стратегиясидир. Аёлга эътибор — бу инсон шахсига, унинг қадрига юксак эҳтиромнинг олий намунаси бўлиб, бу сиёсат Ўзбекистонни халқаро майдонда ҳам гендер тенглик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоялашда етакчи мамлакатлардан бирига айлантирмоқда. Бундай изчил саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистон чинакам эркин ва фаровон жамият қуриш йўлида дадил қадам ташламоқда.

Бевосита Бухорода бўлиб ўтган Осиё хотин-қизлари форумида илгари сурилган таклифларга қайтадиган бўлсак, у минтақа аёлларининг ролини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан диққатга сазовордир. Қадимий тупроқда, тарихий ва маънавий мерос тимсоли бўлган масканда қабул қилинган Осиё хотин-қизлари иккинчи форумининг Бухоро декларацияси минтақа ва бутун дунё учун чуқур стратегик аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжат нафақат анжуман иштирокчиларининг умумий фикри, балки келажак авлодлар учун хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтиришга қаратилган муҳим дастуриламалдир. Декларация хотин-қизларни барча соҳада, хусусан, иқтисодиёт, сиёсат, таълим ва маданиятда тўлақонли иштирокчи сифатида тан олади. У мамлакатлар тараққиёти ва фаровонлиги учун аёлларнинг ҳиссаси нақадар муҳим эканини яна бир бор таъкидлайди. Бу эса инклюзив ривожланиш тамойилларини амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий ва сиёсий пойдевор яратади.

Декларация фақат тенг ҳуқуқларни эълон қилиш билан чекланмай, балки гендер тенгликни амалда таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирларни белгилаб беради. Хусусан, иқтисодий мустақилликни таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рақамли кўникмаларни ривожлантириш каби йўналишлар аёлларнинг молиявий ва ижтимоий эркинлигини оширишга хизмат қилади.

Бухоро декларацияси сунъий интеллект ва рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини ўргатувчи платформа ташкил этиш таклифини ўз ичига олади. Бу аёлларни замонавий иш ўринларига тайёрлаш, уларни "рақамли тафовут"дан холи қилиш ва келажак иқтисодиётининг асосий драйверига айлантириш йўлидаги муҳим қадамдир. Бу, айниқса, Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари учун ўта долзарб. Декларация хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ҳамжамият томонидан белгиланган умумий нормаларга таяниши билан ҳам аҳамиятли. Унинг қабул қилиниши Осиё давлатлари учун бу борада ўз миллий қонунчилигини такомиллаштириш ва халқаро мажбуриятларни бажаришда муҳим йўналиш бўлиб хизмат қилади.

### Ҳамкорликни мустаҳкамловчи Бухоро декларацияси

Бухоро декларацияси Осиё мамлакатлари ўртасида хотин-қизлар масалалари бўйича ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди. У доимий мулоқот майдони сифатида фаолият юритиб, тажриба алмашиш, муштарак ечимларни топиш ва амалга ошириш учун платформа яратади. Бу эса минтақанинг умумий тараққиётига замин ҳозирлайди.

Декларациянинг энг муҳим жиҳатларидан бири – бу давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ролини оширишга қаратилганлигидир. Бу, аввало, барча даражадаги қарорлар қабул қилиш жараёнида аёлларнинг фаол иштирокини таъминлашни кўзда тутади. Жамиятнинг янада мувозанатли ва барқарор ривожланишига олиб келади. Декларация шунчаки ҳужжат эмас, балки янги Осиёни қуришда аёлларнинг бунёдкор кучини бирлаштирувчи, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва келажакка йўналтирилган стратегик "йўл харитаси"дир. Унинг амалдаги ижроси Осиё қитъасини янада равнақ топган, адолатли ва тенг ҳуқуқли жамиятлар маконига айлантиришга хизмат қилади. Декларациядаги ҳар бир банд Осиё аёлларининг бугунги ва эртанги кунини янада ёруғ қилишга қаратилган улкан умид ҳамда ишончнинг ифодаси бўлди.

Форумда Бухоро давлат педагогика институти олималари ҳам муносиб иштирок этди. Тадбирда улар томонидан бир-биридан долзарб, муҳим масалалар кун тартибига қўйилди, асосийси, таклифларга оид лойиҳалар, муаммоларга доир ечимлар ҳам айтиб ўтилди. Етакчи аёллар, олималар ўзаро фикр алмашди, биргаликда лойиҳалар тайёрлашни режалаштирди, мустаҳкам алоқалар ўрнатдилар.

Янги Ўзбекистон томонидан илгари сурилаётган турли ташаббуслар Осиё қитъасидаги миллионлаб аёллар учун янги имкониятлар эшигини очмоқда. Технология, иқтисодиёт ва сиёсий ирода бирлашган жойда тараққиёт бўлиши муқаррар. Бухоро форуми эса ушбу тараққиётнинг маёғи бўлиб хизмат қилади.

**Баҳодир МАЪМУРОВ,**
**Бухоро давлат педагогика институти ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.**

# ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

## ПАНДЕМИЯГА ЧИДАМЛИ КЕЛАЖАК УЧУН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

*Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кўмагида Глобал тайёргарлик мониторинги кенгаши (GPMB) "Дунё хавф остида: Пандемияга чидамли келажак учун устувор вазифалар" номли янги ҳисоботни эълон қилди.*

Таъкидланишича, навбатдаги глобал пандемия хавфи ортиб бораётган бир пайтда дунёнинг унга тайёргарлиги пасаймоқда экан. Ҳисоботда юқумли касалликларнинг тарқалиши тез-тез ва ҳалокатли тус олгани таъкидланади. Уларнинг саломатлик, иқтисодиёт ва жамиятга таъсири кучаймоқда, жамиятнинг тез тикланиш қобилияти эса пасаймоқда. COVID-19 пандемиясидан кейинги ислоҳотлар етарли бўлмади.

Пандемия жамғармаси ташкил этилгани, ЖССТ янги дастурлари ва пандемия келишуви бўйича музокаралар олиб борилаётганига қарамай, тараққиёт ўсиб бораётган хавф-хатарлардан ортда қолмоқда. Камбағал мамлакатларда вакциналар, тест ва дори-дармонлардан фойдаланиш имконияти секинлашди. Геосиёсий кескинлик, иқлим ўзгариши, биохилмахилликнинг йўқолиши, оммавий миграция ва институтларга ишончнинг пасайиши дунёни янада заифлаштирмоқда.

## «АФҒОНИСТОНГА ҚАЙТАЁТГАНЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ — 2026»

*БМТ ва унинг ҳамкорлари Афғонистонга қайтаётган мигрантлар учун "Афғонистонга қайтаётганларни қўллаб-қувватлаш — 2026" деб номланган ёрдам режасини илгари сурди. Режа БМТнинг Афғонистонга ёрдам кўрсатиш миссияси (UNAMA) томонидан эълон қилинди.*

Эрон ва Покистондан қайтаётган афғонларга кўмак бериш учун 529 миллион доллар маблағ ажратилади. Дастур 2026 йилнинг апрель ойидан декабрь ойигача қайтиши кутилаётган 2,7 миллион афғонистонликка ёрдам беришни кўзда тутади.

БМТ маълумотларига кўра, 2023 йил сентябрь ойидан буён мамлакатга қарийб 5,9 миллион афғон қайтиб келган. Уларнинг ярмидан кўпини аёллар ва болалар ташкил этади. Муҳожирларнинг кўпчилиги хорижда туғилган ва Афғонистонда яқинлари йўқ. Агар уларга уй-жой, ичимлик суви, тиббий ёрдам ва иш жойлари берилмаса, мамлакатда қашшоқлик ҳамда ижтимоий кескинлик янада кучаяди.

## ОЛТИН ҚАЗИБ ОЛИШ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАР

*"Visual Capitalist" томонидан Жаҳон олтин кенгаши маълумотлари асосида тайёрланган инфографикада олтин қазиб олиш бўйича етакчи давлатлар рейтинги келтирилди. Маълумотларга кўра, Хитой 380,2 тонна олтин қазиб олиш ҳажми билан дунёда биринчи ўринни эгаллаган. Бу жаҳон бўйича умумий кўрсаткичнинг 10 фоиздан ортиғини ташкил қилади.*

Шу билан бирга, Хитой нафақат энг йирик қазиб олувчи, балки дунёдаги энг катта олтин истеъмолчиларидан бири ҳам ҳисобланади. Россия иккинчи ўринни сақлаб қолган. Австралия эса бой минерал-хомашё захиралари ва ривожланган тоғ-кон саноати туфайли юқори натижаларни қайд этмоқда.

**Интернет хабарлари асосида**
**Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

# НАМАНГАНДАГИ ХАЛҚАРО ГУЛЛАР ФЕСТИВАЛИ ГИННЕС РЕКОРДЛАР КИТОБИДАН ЖОЙ ОЛДИ





1 Таъкидлаш жоизки, экспертлар томонидан бир ой мобайнида энг кўп гул экиш бўйича Гиннеснинг рекордлар китоби талаб ва шартларини бажарилиши устидан кузатув олиб борилди. Гулларни экишдан бошлаб, уларни парваришлаш технологияларигача ўрганилди.

Ўтган йили фестивалга тайёргарлик жараёнида вилоят бўйича жами 100 миллион туп гул кўчати экилган эди. Бу йил эса ушбу миқдор 150 миллион тупга етказилди.

Маълумот учун, фестивиль 12 июлгача давом этиб, унинг доирасида кўплаб маданий-маърифий тадбирлар, анжуманлар, спорт мусобақалари, кўрик-танлов ҳамда кўргазмалар ўтказилиши кўзда тутилган.

**Акрамжон САТТОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ПОЙТАХТ БЎЙЛАБ МАРОҚЛИ САЁҲАТ

*Айни кунларда мамлакатимизда ички туризмни янада ривожлантириш мақсадида қатор маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ташаббуси билан "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қиламиз!" шиори остидаги саёҳат ана шулардан бири.*

**Туризм**

Тадбир доирасида Фарғона ва Наманган вилоятларидан ташриф буюрган 50 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож юртдошимиз пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишлари, янги иншоотлар, тарихий обидалар билан танишиб, сўлим масканларда бўлишди. Икки кун давомида меҳмонлар "Янги Ўзбекистон" боғи, ўалаба боғи майдони, "Зангиота зиёратгоҳи" ва замонавий "Toshkent City" мажмуасини қалбда қувонч билан томоша қилишди.

Айниқса, саёҳатчиларда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказидаги бой тарихий ҳамда маънавий мерос намуналари катта таассурот қолдирди. Пойтахтимизнинг замонавий қиёфаси меҳмонларда юрт тараққиётига нисбатан фахр ва ифтихор туйғуларини янада мустаҳкамлади.

Эътиборлиси, бу каби тадбирлар аҳолининг маънавий дунёқарашини бойитиш ва ички туризмни ривожлантиришга хизмат қилаётир.

**Шоҳсанам ЙЎЛДОШЕВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси.**

РЕКЛАМА

## «ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖНИНГ АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ РИСОЛА/ҚАРОРЛАРИ ЙЎҚОЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

**"Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи" АЖ қуйидаги ҳужжатларнинг асл нусхалари йўқолганини маълум қилади ва уларни ҳақиқий эмас деб топишни сўрайди.**

1. 2014 йил 5 ноябрдаги RU101QO763T0-сон билан рўйхатга олинган акцияларнинг бирламчи чиқарилиши тўғрисидаги рисола ва қарори — 17 варақда.
2. 2015 йил 10 октябрдаги RU102QO763T8-сон билан рўйхатга олинган қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори — 4 варақда.
3. 2016 йил 21 сентябрдаги RU103QO763T6-сон билан рўйхатга олинган янги акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори — 4 варақда.

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этилиши сўралади: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 434-уй, тел.: (71) 267-08-12

## «ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖНИНГ АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ РИСОЛА/ҚАРОРЛАРИ ЙЎҚОЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

**"Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи" АЖ қуйидаги ҳужжатларнинг асл нусхалари йўқолганини маълум қилади ва уларни ҳақиқий эмас деб топишни сўрайди.**

1. 2015 йил 21 январдаги RU101LO258T7-сон билан рўйхатга олинган акцияларнинг бирламчи чиқарилиши тўғрисидаги рисола ва қарори — 18 варақда.
2. 2017 йил 7 августдаги RU102LO258T5-сон билан рўйхатга олинган қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори — 4 варақда.
3. 2018 йил 3 октябрдаги RU103LO258T3-сон билан рўйхатга олинган қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори — 4 варақда.

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этилиши сўралади: Чирчиқ шаҳри, Навоий кўчаси, 92-уй, электрон манзил: chzsxt@mail.ru, тел.: (78) 150-66-66

**Душанбеда "Ватандошлар" жамоат фонди ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида нашр этилган "Тожикистон ўзбек адабиёти антологияси" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 23 209 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — F. Баҳромов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.05 Топширилди — 03.00 1 2 3 4 5 6